



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 28 март пайшанба

Сотувда эркин нархда № 67 (2895)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА — МАРКЕТИНГ

Нукусда бўлиб ўтган Куйи Амударё воҳаси олий ўқув юрти раҳбарларининг минтақавий кенгаши ана шу масалага бағишланди. Урганч давлат университети ректори, академик А.Саъдуллаев бошқарган бу машавратда бугунги кун олий ўқув юртида кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Бердақ номидаги Нукус давлат педагогика институтининг етакчи олимлари бакалавр ҳамда магистрлар тайёрлаш маркетинги, мониторинги бўйича маърузалар ўқишди.

Муҳим янгиликлар

ЁШЛАРГА ТУҲФА

Наврўз кунлари пойтахт вилоятининг Зафар кўрғонидан 900 ўринли касб-хўнар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшлар ўн олти мутахассислик бўйича касб-хўнар эгаллашлари мумкин. Худди шундай билим даргоҳи Гурлан туманида ҳам қуриб битказилди. У энди нафақат хоразмлик, балки қорақалпоғистонлик ўнлаб ёшларни ҳам ўз бағрига олади.

СОҒЛОМ АВЛОДГА АТАБ

Анджонда болалар учун соғломлаштириш ва спорт боғи очилди. Қарий беш гектарлик майдонни эгаллаган ушбу оромгоҳ қурилишига вилоятдаги ўнлаб қорхоналар ҳомийлик қилишди. Эйтиборли томони шундаки, болалар бу ерда кўнгилли ҳордик чикарибгина қолмасдан, спорт-соғломлаштириш машғулотлари билан ҳам шуғулланиладилар.

КИТОБДИН ЯХШИ ЁР ЎЛМАС

Карим Эсонов — навоийлик номдор тадбиркорлардан бири. Унинг бошқа ишбилармонлардан фарқи шундаки, мўъжазгина дўкони бўлса-да, унга турли хил ноёб молларни келтирмайди. Пештахталарда ҳаммиша катта-ю, кичика мўъжазланган турли адабиётлар, газета-журналлар бўлади. Китобхоналар бу ердан зарур китоб, ўқув қўлланмалари-ю, газета-журналларни ижарага олишлари мумкин. Қўрсатилган хизмат ўн эса арзимас ҳақ олинди. Бундан тадбиркор ҳам, ўқувчилар ҳам манфаатдор бўлишмоқда.



соат ичида

АРОФАТ БАЙРУТГА БОРМАЙДИ

Фаластин мухторияти раҳбари Эсир Арофат Байрутдаги Араб давлатлари лигасининг олий мақом саммитига бормасликка қарор қилди. Бу ҳақда Фаластин мухторияти Вазири Маҳкамасида маълум қилинган.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КОНФЕРЕНЦИЯ

Европа Иттифоқи парламент ассамблеясининг раиси Петер Шидер Санкт-Петербургда террорчиликка қарши курашга бағишланган конференцияда ушбу муаммони ечишда Европа ва Россиянинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга чакирган. Унинг айтишича, террорчиларни қўллаб-қувватловчи ҳар қандай манбалардан маҳрум этиш лозим.

ҲАРБИЙЛАРГА ЙЎЛ БЕРИЛДИ

Покистон раҳбарияти мамлакатда «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳи ва «Толибон» ҳаракатига қарши террорчиларни йўқ қилиш учун америкалик ҳарбийларнинг келишига руждат беришга тайёрлигини маълум қилган.

РЕЖА МАЪҚУЛЛАНДИ

Испания Атроф-мухитни муҳофаза қилиш вазирлиги Иберия сиртлонини сақлаб қолиш режасини маъқуллаган ва уни амалга ошириш учун маблағ ажратишга қарор қилган. Иберия сиртлони ўтган асрнинг 70-йилларидан буён йўқолиб бормоқда.


Чет элларда

Молдавия раҳбарияти Днестрбўйи худуди мақоми муҳокамасини қайта давом эттириш бўйича Тирасполь билан мулоқот қилиш тарафдори. Бу ҳақда Молдова президенти Владимир Воронин ЕХТнинг амалдаги раиси, Португалия ташқи ишлар вазири Жайме Гама билан учрашувда маълум қилган. Воронин бунинг учун Украина ва Молдова чегарасининг Днестрбўйи худудида боғжона назоратини ўрнатилиш ва республикадан Россия қўролларини олиб чиқиш лозимлигини таъкидлаган. Унинг айтишича, Россия ва Украина билан шартномалар боғжона ва чегара назоратини амалда қўллашга имкон беради.

ШАРТНОМАЛАР ИМКОН ЯРАТАДИ

Молдавия раҳбарияти Днестрбўйи худуди мақоми муҳокамасини қайта давом эттириш бўйича Тирасполь билан мулоқот қилиш тарафдори. Бу ҳақда Молдова президенти Владимир Воронин ЕХТнинг амалдаги раиси, Португалия ташқи ишлар вазири Жайме Гама билан учрашувда маълум қилган. Воронин бунинг учун Украина ва Молдова чегарасининг Днестрбўйи худудида боғжона назоратини ўрнатилиш ва республикадан Россия қўролларини олиб чиқиш лозимлигини таъкидлаган. Унинг айтишича, Россия ва Украина билан шартномалар боғжона ва чегара назоратини амалда қўллашга имкон беради.

РЕГИСТОННИ КЎРДИМ, ДЕСАЛАР...



Сўнги йилларда Самарқанд шаҳри шакар турғузи марказларидан бирига алдантириш борасида қўллаб-қўллаб қўйилган «Элмонкокс» — Германия қўйма қорхонаси томонидан бунёд этилаётган ушбу меҳмонхона қурилишига АКШ ва Германия давлатлари кредити ҳисобидан маблағ ажратилган. Бунёдкорлик ишларида Германиянинг «Импро Гиб» компанияси, Югославиянинг «Энергоиндустриал» фирмаси ҳамда маҳаллий қурувчилар фаол иштирок этмоқда.



СУРАТЛАРДА: қурилиш ишларидан лавҳалар. Тоҳир НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

БАҲОР ЁМҒИРЛАРИ СЕРГАКЛИККА УНДАЙДИ

Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг қўни кеча қабул қилинган «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги 98-қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

комиссияси тўзилди. Йиғилишда ана шу комиссия олдига турган долзарб вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишнинг Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқари.

берилиши ҳақида эҳтимол ортомоқда. Бу эса дарёлар, қўллар, сойлар ва гидроиншоотларда зарур ҳимоя тадбирларини янада изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади. Сел, кўчки ва тошқин ҳавфи эҳтимоли бор зоналарда ўзбошимчилик билан олиб бориладиган қурилишлар ва дарё ҳамда сойларнинг сув ўтказиш имкониятларини пайсантирадиган бошқа ҳолатларга барҳам бериш, айниқса, муҳимдир.

Қарорга мувофиқ тошқин ва сел оқимларини ҳаф-ҳатлариз ўтказиш, кўчки ҳодисаларнинг олдини олишни таъминлаш бўйича ҳукумат

қарорига қўйилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳукумат

қарорига қўйилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳукумат

ЧИГИТ ЭКИШНИ СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК

Жиззах вилояти ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда баҳорги экин мавсумининг бугунги аҳоли ҳамда галлазорларни парваришлаш, уларни озиклантириш ва сугориш ишларининг бориши таҳлил қилинди.

гектар майдонга чигитни плёнка остига экиш режалаштирилган. 4 минг гектар майдонда эса бу иш ниҳоятга етди. Бу борадаги ишлар Дуслани, Зарбдор, Зафаробод туманларида намунали олиб боришмоқда. Бироқ чигит экиш мавсумига барча туманлар пухта тайёргарлик қўриган деб бўлмайдилар. Жумладан, Арнасой, Зомин, Мирзачўл туманларида ерни экишга тайёрлаш ишлари суст олиб борилаётганини кузатишмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетидан республика «Маънавият ва маърифат» маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишнинг илмий асосларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

«Маънавият ва маърифат» маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишнинг илмий асосларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Илмий-амалий анжуман

Унда вилоят, туманлар маънавият ва маърифат марказлари ходимлари, зиёлилар, олимлар, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда вилоят, туманлар маънавият ва маърифат марказлари ходимлари, зиёлилар, олимлар, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда вилоят, туманлар маънавият ва маърифат марказлари ходимлари, зиёлилар, олимлар, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

СУРХОННИНГ САОДАТ СОҲИСИ

Сурхон тупроғи. Тарихи «Авесто»дан қариқроқ, йилномаси бут-санамлару қушонлардан ҳам қадиммироқ, энг азалий манбаларда «Оламнинг туртинчи мамлакатидир», «Туи баланд эрлар юрти» деб таъриф қилинган келтирилган. Не бу мўътабар тупроқнинг донғио дабабаси фикр илғамас, илрок энг буюмас энг қўнра замоналардан буён оламга маълум ва машҳурдир.

зийдек шарифи зотларнинг кўнгли нуридан, маърифат маънавиядан руҳий ва маънавий олам то ҳозирга қадар мунавар эмасми?

лар, тоғу даштлар диёри — Сурхон тупроғи... Ҳаётнинг бори ташвишу қувончлари, тириклигининг жаники захмату меҳнатларини эртани кун ишончи билан, камтарлиқ билан тантиқлик билан тортаётган эл — Сурхон эли. Бу деса, Ваганини, Ватаи деса ерни тушунгучи ҳокимор ва меҳнаткаш эл... Озод Ўзбекистоннинг кўнш энг кўп тўхтайдиган Сарзамини, бундоқ тусли одамлар, марад полволлару «Алломши»дан айтганда, тоғларин ҳам сел қилгучи бахшилар диёри...

Бугунги Ватан. Бугунги кунлар. Бугунги халқу бугунги ўзгаришлар. Биз идрок билан қамраб олишга улгурмаётган оламшумул воқеалар, мустақиллигининг энг азамат одимлари аро Сурхон элининг ҳам ўз қадам ташлашлари бор. Шу сабаб, Юрт эгасининг бу тупроққа наватбадаги ташрифини пайти Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур ранс Иброҳим Файзуллаева илк саволлари ҳам, табиийки, айнан шу эл ҳақида бўлади:

— Ишлар қалай, Иброҳим ака? — Ишлар яхши, ёмон эмас. — Ишлар яхши бўлса, мен нега келдим бўлмас? — Сиз бизларни, сурхондореликларни яхши кўрасиз, со-


дир. Шу сабаб, бугун Сурхон тупроғида гиёҳлару гуллар, ўтулар ифориини тартиб эсаётган баҳор, Наврўз шамолларини ҳақи равишда умид ва ишонч шамоллари, десак широна ташбеҳга йўлмасиз...

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЙўЛНАМАСИ ВЯЛАН

Миллий матбуот марказида «Ўзбектедфильм» студияси томонидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган суратта олинган ҳужжатли фильмнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Адиб ҳақида фильм Мазкур фильм ёзувчининг ҳаёти, исон, адабиёт, бадиий ижод, оила ва Ватан ҳақидаги ўйлари, мушоҳадалари асосида яратилган. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, адиблар Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, адабиётшунос Абдуғафур Расулов ва бошқаларнинг Ў.Хошимов ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жой олган.

(Давоми 2-бетда).



"ФАЛЛАБАНК" : БАРҚАРОР НАТИЖАЛАР, УМИДБАХШ РЕЖАЛАР

2001 йил мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида амалга оширилган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларнинг давом эттириш ва муҳим ижобий ўзгаришлар йили бўлди. Умумий миллий макроиктисодий барқарорликнинг таъминлиниши билан бирга иқтисодиётда ўсиш давом этди.

Албатта, мамлакат иқтисодиётида банклар ўзларининг мустақим ўринларига эга бўлиб бораётганлиги эътиборлидир. Зеро, республикамиз Президентини И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, банк тизимига иқтисодиётда локомотив ва ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасида пул оқимларининг мутаносиб айланишини таъминловчи қон томир вазифасини бажаришдек масъулиятни юмшук юклаган.

Тижорат банклари ичида ўз капитали, активлари миқдори, молиявий операциялари доираси ва ҳажмига кўра РАТБ "Фаллабанк" йирик молиявий муассасалардан бири ҳисобланади. Бугун банкнинг республикадаги турли минтақаларда 30 та филиали, 47 та жамғарма шохобчалари ва 16 та мини банк мавжуд бўлиб, у универсал банк мақомига эгадир. Ҳозир иқтисодиётнинг турли жабҳаларида фаолият юритувчи 29000 дан ортиқ ҳужалик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларга самарали хизмат кўрсатишмоқда.

Банкларора "Ахбор-реитинг" компанияси томонидан сўнгги йилларда доимий ўтказиб келинаётган ҳисоб-китоблар натижаларига кўра "Фаллабанк" йирик банклардан бири бўлиб, ўтган йил якунига келиб унинг умумий капитали 7193,7 млн. сўмдан ортиб, банк акцияларига 2863 та акциядорлар, жумладан, 1965 та жисмоний шахслар 2411,2 млн. сўмлик акцияга эгаллик қилмоқдалар. Уларнинг асосий қисми турли мулкчилик шаклида фаолият юритувчи кичик ва ўрта корхоналар, акциядорлик жамиятларидан иборат.

Банклар фаолиятини янада эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш асосида яратилаётган имкониятлар ҳамда имтиёзлардан самарали фойдаланишнинг ҳолда режалаштирилган даромад кўрсаткичларига эришишни таъминлашмоқда. Бу солиқ ва у билан тенглаштирилган мажбурий тўловларни доимий тўлаб бериш билан бирга аҳоли ва юридик шахслардан жалб қилинаётган депозитлар бўйича рағбатлантирувчи даромадлар тақдир этишига, банк акциядорлари учун юқори дивидендлар тўлашга катта молиявий имкониятлар яратмоқда. Яъни, банк ўз акциядорлари ва миқозлари манфаатлари ҳимоя қилинишининг кафолатлинишига эришмоқда.

Албатта, банкнинг энг асосий вазифаси — иқтисодиётнинг реал секторига фаолият юритаётган, яъни мамлакатимизнинг яли ички махсулотини яратишда фаол иштирок этаётган миқозларини, аввало, кичик ва ўрта тадбиркорларнинг кўшимча маблағларга бўлган эhti-ежларини кредитлар асосида доимий таъминлаб бериши белгиланган. Бу борада барча тадбиркорларнинг талаблари, ҳалқро ҳамда мамлакатимиз банклари таърибалари асосида ишлаб чиқилган кредит сиёсати мубофиқ ташкил этилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, банкнинг кредит сиёсати ва умуман бутун фаолиятида туў ўзгаришлар яратилишига ўзбекистон Республикасини Президентининг 2000 йил 21 мартдаги "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислохот қилиш борадаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маъмаисининг ундан келиб чиқиб қабул қилган бир қатор қарорлари ҳамда улар асосида Марказий банк ўтказган амалий тадбирлар имкон берди.

Молиявий муассасанинг кенг тармоқли филиалларга ва энг асосийси, малакали мутахассис кадрларга эга эканлиги, йил давомида самарали, иқтисодиётнинг талабларига жавоб бера оладиган кредит сиёсатини ўтказиши, кредит олувчилар сонини ва доирасини кенгайтириши ҳукуматнинг иқтисодий соҳага оид турли дастурларида фаол иштироки таъминлади.

Ўтган йил давомида банк томонидан кредит ресурслари бозорига шаклланаётган филиал, жалб этилаётган маблағлар, шунингдек, бошқа омиладар келиб чиқиб кредит ресурсларини ўзгарувчанлигига эришилди. Бунда асосий эътибор фақат банк даромадларини оширишга эмас, балки кредит объекти мазмуни, унинг мақсади ва йўналиши ҳам ҳисобга олинб, рағбатлантирувчи филиални ўрнатиб таърибаси давом эттирилди.

2001 йилда банк ўз кредитлари билан кичик ва ўрта тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этди. Мазкур йўналишда берилган кредитларнинг умумий миқдори 3832,3 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш қариб 1,8 бараварга этди. 2000 йилдан бошлаб жорий этилган микрокредитлаш тартиби бултур ҳам кенг қўлланилди. Берилган микрокредитлар ҳажми 874,7 млн. сўмни ташкил қилди ёки улардан фойдаланувчилар сони яна 1507 тага ўсиб, тадбиркорларнинг имтиёзли кредитларга бўлган талаб ва эhti-ежларидан келиб чиқиб, 2001 йилнинг ўзида бюджетдан ташқари жамғармаларнинг қариб 513,7 млн. сўмлик ресурслари жалб қилинди. Шуни алоҳида кайд этиш керакки, Вазирлар Маъмаисининг 2000 йил 19 майдаги қарори талаблари асосида банкнинг соф фойдаси ҳисобига шакллантирилиб борилаётган имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳам тадбиркорларни кредитлашнинг кўшимча манбасига айланди. Ушбу жамғарма томонидан 539,1 млн. сўмлик маблағ кичик ва ўрта тадбиркорлар, микрофирмалар, фермерлар ҳамда деҳқон ҳужалиқларининг лойиҳаларини кредитлашга йўналтирилди.

Албатта, иқтисодиётнинг устувор соҳаси ҳисобланган мазкур йўналишга йўналтирилган кредитларни беришдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва янги ишчи ўринлари ташкил қилишдан иборат эканлиги инобатга олинб, кредитларни қайтариш муддатлари аксарият ҳолларда ўрта ва узок муддатли этиб белгиланмоқда. Натижада тадбиркорлар томонидан турли муқозларидан 2177 та янги ишчи ўринлари очилди. Жумладан, Хоразм вилоятидаги "Имкон-С", Қўқон шаҳридаги "Гулҳаб" корхоналари фикримизнинг далилидир.

Банк кредит сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши мамлакатимизга замонавий технологияларни киритиш, хусусан, қўшма корхоналарни ташкил этишда фаол иштирок этишидир. Сурхондарё вилоятидаги "Алпомуш", Қашқадарё вилоятидаги "Шаҳри-Кеш" қўшма корхоналари бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида йўналтирилган 825,0 млн. сўмлик ўрта ва узок муддатли кредитлар бугун донни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш имконини бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, галла мустақиллигини таъминлашда асосий омиладардан бири — уруғчилик соҳасини шакллантиришда банк фаол иштирок этмоқда. Чунки, ўтган йилда бир қатор корхоналарда бугунга янги, замонавий технологияларга асосланган уруғчилик цехларини барпо этишга жами 900,0 млн. сўмдан ортиқ ресурслар йўналтирилганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Кредит муносабатларини ташкил этишининг янги усулларидан фойдаланиш, уларни амалиётта татбиқ қилишда ҳам банк фаол катнашаётти. Хусусан, йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдциациялаштирилган кредитлаш механизми қўлланила бошланди. Бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда 200,0 млн. сўмлик йирик лойиҳа ушбу усул асосида молиялаштирилди. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, юридик мақомга эга деҳқон ва фермер ҳужалиқларининг дастлабки сарможаларини шакллантиришни кредитлаш тартиби банкларнинг тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш бораидаги имкониятларини янада кенгайтиришга имконият яратди. Бу борада банкда ўз ҳисоб рақамларини энди очиб, фаолиятларини бошлаётган 68 та миқозга 58,4 млн. сўм кичик ҳажмдаги кредит тақдим этилди, бу уларнинг иқтисодиётини мустақимлашда қўл келди.

Қўқорида таъкидланганидек, банк ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, қабул қилинган кредит сиёсати асосида ҳукуматнинг дастурлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этапти. Хусусан, сувсизлик оқибатида табиий қийинчиликларни бошдан кечираётган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини имтиёзли шартлар асосида молиявий қўллаш ёрдамида, кўшимча ишчи ўринлари яратиш, мавжуд ишлаб чиқариш объектларини сақлаб қолиш учун 50,0 млн. сўмлик имтиёзли кредит ресурслари ажратилди. Ушбу маблағдан қариб 200 та миқоз, жумладан, 119 та деҳқон ҳужалиғи фойдаланди.

Яна бир муҳим иқтисодий-ижтимоий ишлардан бири ўқувчи-талаба ёшларнинг ўқилиши билан боғлиқ қаражатларни енгиллаштириш мақсадида "Таълим кредитлари" жорий этилиб, 128 та талабага 20,0 млн. сўмга яқин маблағ ажратилди. 2001 йилнинг ўзида миқозлар эhti-ежлари талаблари ҳисобга олинб, 1600,0 млн. сўмлик факторинг операциялари амалга оширилди. Факторинг операциялари фақат активларини самарали жойлаштиришда қўл келиши билан бирга, миқозларнинг товарлар ҳамда хизматлар бораида вуқудга келаётган дебиторлик-кредиторлик қарзларини реал қўскартиришга ҳам ижобий таъсир қилмоқда.

Активларни шакллантиришда фақат аъъанавий кредит усулларидан фойдаланиш, банк ўз маблағларини қимматбахо қоғозларга йўналтириш бўйича режа асосида иш олиб борилаётти. Банк акциядорлик жамиятларининг 120,0 млн. сўмлик акцияларига ўз маблағларини йўналтирганини инобатга олсак, молиявий муассаса қимматбахо қоғозлар портфелининг умумий ҳажми 300,0 млн. сўмга етказилди. Ушбу қўйилмалардан 60,0 млн. сўмга яқин дивидендлар олиналганининг ўзи банк инвестиция сиёсатида режалаштирилган тадбирларнинг тула амалга ошириланганини кўрсатади. Умуман банкнинг активлари ҳисобот даври якунида 75,3 миллиард сўмни, жумладан, соф кредит қўйилмалари 61,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Жамоа республикамизда галла мустақиллигини таъминлашда ҳам фаол иштирок этапти. Жумладан, дон этиштирувчи ҳужалиқлар, ҳосилини қабул қилувчи ва қайта ишловчи корхоналарни ўз вақтида маблағ билан таъминлашда самарали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ўтган йили ҳужалиқлар, фермерлар томонидан "Ўздонмахсулот" давлат акциядорлик корпорацияси иштиридаги корхоналарга топширилган галла учун жами 109,3 миллиард сўм тўлаб берилди. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан тизимдаги жамоаларга қариб 9,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Вазирлар Маъмаисининг 2001 йил 14 сентябрдаги "2002 йил ҳосили учун бошқоқли дон экениларини қузи қилиш ушқоқлик билан ўтказиш масалалари, дон этиштириш ва давлат ресурсларига хариб қилиш ҳажми тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилган шартномалар асосида жорий йилнинг 1 январигача жами 63,9 миллиард сўм аванс маблағлари босқичма-босқич ҳужалиқларга етказиб берилди.



Бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи бериш, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларини ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Иш ҳақи бўйича қарздорлик ҳолатининг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда ҳужалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзларини ундириш, уларни тушаётган траншалар ҳисобидан қошлаш ва тайёр махсулот қолдинини сотиш бўйича ҳам амалий иш олиб боришмоқда. Шу боис миқозлар ҳамда бюджет ташкилотларида ушбу тўловлар бўйича узиллишларга йўл қўйилмади.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳусусида тўхталсак, бозор иқтисодиёти шароитида бу иш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, кредит ресурсларини қўнайитиришда катта аҳамият касб этади. Ўтган йили республикамиз аҳолиниг янада қўлай ва манфаатли бўлган бир неча омонат турлари жорий этилди. Уларнинг 19 турига 21538 нафар омонатчидан жалб қилинган маблағлар миқдори шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 1121,6 миллион сўмни ташкил қилди ёки бир йилда 615,1 миллион сўмга ўсиш кузатилди. Бундан ташқари, ҳисобот йилида аҳолининг бўш пул маблағларини кўшимча жалб қилиш мақсадида дастлабки 50 миллион сўмлик омонат сертификатлари муомалага чиқарилиди. Улар қисқа муддатда республикамиз фуқаролари орасида тўлиқ жойлаштирилди, ҳозир тегишли филиаллар асосида сертификатларнинг қисқинчи эмиссияси ҳам муомалага чиқарилиб, одамлар орасида жойлаштирилмоқда.

Албатта, эришилган ютуқлар бевоқита мутахассисларнинг меҳнати ва сайъ-ҳаракатларига боғлиқ. Жамоада бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, 2001-2005 йилларда барча филиаллардаги ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш кўзда тутилган. Ўтган йили 4 нафар ходим ривожланган давлатларда таъриб ортиқдиг келди. Айни пайтда икки киши ўзбекистон Республикасини Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академиясида, бир киши мазкур академия қошидаги Олий бизнес мактабида ва икки ходим Банк-молия академиясида тахсил олмоқда.

Мамлакат иқтисодиётида рўй бераётган макроиктисодий барқарорликни мустақимлаш, инфляция даражасини жиқидий пасайтириш ҳамда қаттиқ молия ва кредит сиёсатини олиб боришда банкнинг танлаган сиёсати, ҳалқро стандартларга асосланган стратегик йўли бугунги кунда ўнга республиканинг илгор банклари сафида етакчи ўринни олиш имконини берди.

Жорий йилнинг 14 февралда Вазирлар Маъмаисининг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар, шунингдек, банкнинг ҳисобот йили якунлари ҳамда истиқболдаги режалардан келиб чиқиб, жорий йилда у ўз фаолиятини янада ривожлантириш, кредит ва инвестиция ҳамда бошқа дастурларида белгиланган ишларни 2002 йилда ҳам оғишмай давом эттириш, хизмат доирасини кенгайтириш ҳисобига миқозлар ва акциядорларнинг банкка ишончини янада мустақимлашни кўзда тутмоқда.



СҮЗ — МИҚОЗЛАРГА

Азизхон АҚРОМОВ, Қўқон шаҳридаги "Гулҳаб" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари



Утган йили фирмамиз томонидан "Фаллабанк"нинг Қўқон филиалига тери махсулотларини қайта ишлаш мақсадида тақдим қилинган лойиҳа банк мутахассислари диққатини жалб қилди. Лойиҳа маъқулланиб, 30 миллион сўм миқдорда кредит ресурслари ажратилди. Натижада териға ишлов берувчи жами 12 донга турли хил Чехия ва Россия давлатларининг дастҳохлари ҳамда зарур ҳомашёби сотиб олинди. 36 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмоқда. Корхона ҳисобидан 3 маҳал иссиқ оқват ва узокдан келиб ишловчилар ётоқхона билан таъминланган. Фирманинг чарм махсулотини ишлаб чиқариш ҳажми бир кеча-кундузда 30 минг дециметрли ташкил этади, яъни 100 донга тери ҳомашёби қайта ишланади. Махсулотларнинг асосий харидорлари Фарғонадаги "Ўзсаламан" ва «Киб» болалар пойабзали ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ҳисобланади. Фирманинг ютуқларидан бири тери махсулотларини қайта ишлаш натижасида вуқудга келадиган чиқиндилардан қурилинган фойдаланиладиган елим ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиғидир. Шу боис чиқиндисиз ишлаб чиқаришга эришилди.

Максуд СОДИКОВ, Хоразм вилояти Янгиерик туманидаги "Имкон — С" хусусий фирмаси раҳбари.




Республикамизда олиб борилган изчил иқтисодий ислохотлар тараққийнинг янги қирраларини очиб бермоқда. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг энг муҳим йўналишларидан бири нодавлат секторни ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш ва бу борада банклар томонидан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини яратишидир. Хусусий фирмамиз "Фаллабанк"нинг вилоят минтақавий филиали билан доимий ҳамкорликда иш юритиб келмоқда. Банк мутахассислари доимо сифатли хизмат кўрсатилади. Бизга қисқа муддатда 50 миллион сўм кредит ажратилди ва бу ишлаб чиқариш ташкил этишга катта ёрдам берди. Жамоамиз иқтисодий жиҳатдан мустақимланган, консерв махсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш мақсадида ҳомашёби ва зарур дастҳохлар сотиб олди. Натижада 100 та янги иш ўрни яратилди ва ўтган олти ойда 80 тонна сифатли томат пастиси, 30 тонна қовун ва тарвуз мурабболари ишлаб чиқарилди. Ҳозир фирмамиз ҳукумат томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган имтиёзлардан фойдаланиб, уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. **Банк матбуот хизмати.**

СҮЗ — АКЦИЈАДОРЛАРГА



Ақбар ТЕМИРОВ, Қашқадарё вилояти "Шаҳри Кеш" қўшма корхонаси директори, Олий Мажлис депутати.



Раҳмонжон НАЗАРОВ, Намангондан махсулот ҳиссадорлик уюшмаси раиси.

Ҳукуматимиз томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бораида қабул қилинган қарорларни бажариш, етиштирилган галла ҳосилини қайта ишлаш ва аҳолини нон ва нон махсулотлари билан таъминлаш бораида корхонамизда муайян ишлар олиб берилмоқда. Бу хайрли ишларда республика акциядорлик-тижорат "Фаллабанк"ни Қашқадарё вилоят минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор. Масалан, Шаҳрисабз шаҳрида бир кеча-кундузда 150 тонна дона қайта ишлайдиган "Шаҳри Кеш" ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг қуриб ишга туширилишига банк 250 миллион сўм миқдорда кредит ажратди. Бу, табиийки, ўз самарасини берди. Жумладан, бир неча янги иш ўринлари яратилди, вилоят аҳолисини сифатли ун билан таъминлаш ва конди-тер махсулотлари асортиментини оширишга кескин эришилди. Бундан ташқари, молиявий муассасанинг корхонамиз қошида мини банк очилган. Энди аввалгидек бошқа тумандаги банкка катнамасдан кишлоқ ҳужалик корхоналари, харидор ва мол етказиб бериувчилар билан мини банк орқали барча тўловлариникини амалга оширмақда. Шунингдек, ишчи ва хизматчилар мини банк жамғарма шохобчаси орқали иш ҳақларини олишлари, коммунал тўловларни амалга ошириш ва бўш маблағларни жамғармага қўйиб, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлдилар. Корхонамиз барқарор ривожланиб бормоқда. Бунда "Фаллабанк"нинг ҳам катта ҳиссаси бор. Унинг келгусида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдаги фаолияти янада салмоқли бўлади, деб ишонамиз.

"Намангондан махсулот" ҳиссадорлик жамиятида барча мавжуд имкониятлар ишга солиниб, аҳолининг иш, гурӯҳ, макорон ва нон махсулотларига бўлган эhti-ежлари қондирилиб келинмоқда. Корхонамиз томонидан ўтган йили 25648 тонна ун, 1912 тонна нон махсулотлари ва 132 тонна макарон махсулотлари ишлаб чиқарилди. Эришилган ютуқларда "Фаллабанк" Наманган вилоят минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор. Масалан, банк хизмат турларини ошириб бориб, корхонамизга ҳисоб-китоб механизмини тақомиллаштириш, факторинг, консалтинг хизматларини бажаришда амалий ёрдам бермоқда. Шунингдек, Чорот дон махсулотлари қабул қилиш ҳиссадорлик жамиятига донни саралайдиغان "Петлус" агрегати сотиб олиш учун 25 миллион сўм кредит ажратилиб, вилоят ҳужалиқларига етказиб берилиши лозим бўлган 19000 тонна уруғчилик донни тайёрлаш имконияти вуқудга келди. Янгиқўрган дон махсулотлари қабул қилиш қорхонаси қурилишига 130 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада қорхона ишга туширилди. Шу боис ҳужалиқлардан галлаги несонбод қилмай қабул қилиб олишда қатор қўлайликларга эришилди. Масалан, донни ҳужалиқлардан ташии масофаси, вақти ҳамда ташии таннархи қамайгани ўз иқтисодий самарасини берди. "Намангондан махсулот" корхонасида бир кеча-кундузда 200 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган Швейцариядаги "Бюллер" фирмасининг дастҳохини сотиб олиш учун 300 миллион сўмлик кредит линиясини очилди, ҳозир унинг 250 миллион сўми ажратилди. Бунинг натижасида жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳамда молиявий барқарорлиги ошди.

Журналнинг янги сони

Мамлакатимизда чоп этилаётган ягона ҳажв ва кўлиги журнал «Ўзбекистон» мухлисларини интизор қила-қила Наврўзи олам кунлари ёруғлик юзини кўрди. Шунинг билан керакки, уни варақлаб кўрсангиз, кутганингизга эришган-лигига ишонасиз. Журнал «Ўзбекистон» халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг публицистик мақоласи билан очилади. Унда бирор минтақа бошига тушган ташвиш бутун Ер юзига дахлдор эканлиги, шу боис огоҳлик давр талаби бўлиб қолганлиги таъкидланади.

«МУШТУМ»



«Кўлиги бекати», «Хандалар», «Янгисидан бор», «Латифлар» каби руқиялар остида берилган ҳазил-мутойибалар бир ўқишда руҳингизга сингиб, дабингизга табассум бахш этади. Мақсуд Қориев, Анвар Обиджон каби адибларнинг битиклари журналнинг эътиборини ўзига тортгани шубҳасиз. Мухтор Худойқулловнинг Габрово латифлари билан боғлиқ ҳангомаси кўлиги авж нуқтага чиқариши турган гап. Хуллас, ун минг нусхадаги «Муштум» шаҳар ва қишлоқларимиз оралаб йўлга чиқди. Ундан бебахра қолманг. Сонда ИНОГОВА.

«Универсиада — 2002»



Саралаш мусобақалари иштирокчиларини ҳақли равишда қўлилар сарасига қўйиш мумкин. Негаки, улар беллашуларда шунчаки иштирок этмадилар. Аксинча, улар тахсил олаётган ўқув юрти шарафи учун, устоз-мураббийлар ишончини оқлаш учун майдонга тушдилар. Мухбиримиз «Универсиада-2002» талабалар спорт мусобақалари вилоят босқичи якулини ҳақда гапириб бериш учун Андижонда шу соҳага дахлдор масъулар билан учрашди.

Кучлилар майдонда сараланди

Р.ЗУХРИДИНОВ, Андижон тиллар педагогика институтининг тарбия кафедраси мудири:

— Уқув даргоҳимизда талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун ҳамма шароит яратилган. Мана, бир неча йилдирки, унга яқин спорт турлари бўйича вилоят, мамлакат миқёсидаги мусобақалар айнан бизнинг институтимизда ўтказилиб келинади. Биз мергандик, енгил атлетика, сузиш ҳавзаси, шахмат-шашка клуби, кураш майдони, ёғи майдончаларни қамраб олган спорт мажмуига эгамиз. Бундан ташқари, сўлим Хонобод шаҳрида спорт-соғломлаштириш оромгоҳимиз бор.

Институтимиз атрофидаги маҳалларда, кўпқаватли уйларда яшовчилар ҳам спортнинг у ёки бу тури бўйича машғулотларда қатнашиш истагида бизга мурожаат қиладилар. Юракни кенг қилдик. Уларга ҳам шароит яратиб бердик. Институт билан маҳалла ўртасида ҳамкорлик вужудга келди.

«Универсиада-2002»нинг биринчи ва иккинчи босқичларида қатнашган спортчи-талабаларимиз волейбол, баскетбол, кўл түпи, стол тенниси бўйича вилоятда биринчи ўринни қўлга киритишди.

Х.СИДДИҚОВ, Андижон қишлоқ ҳўжалик институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўлими бошлиғи:

— Талаба ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигига эришиш, иқидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялашга эътиборни кўчатираёلمиз. Институтимизда спортнинг ун уч тури бўйича тўғарақлар ишлаб турибди. 2001 йилнинг ўзига бир миллион сўмликдан ортиқ қўшимча спорт анжомлари ва кийим-кечаклар сотиб олинди.

Бухорода бўлиб ўтадиган катта спорт байрамига тайёргарликнинг биринчи босқичи ушқоққлик билан ўтказилди. Унинг натижалари асосида спорт турлари бўйича шакллантирилган терма жамоалар вилоят миқёсида ўтказилган иккинчи босқич беллашуларда қувончли натижаларга эришдилар. Талабаларимиз вилоятдаги олий ўқув юрти ўртасида ўзбек кураши бўйича биринчи, шахмат, кўл түпи бўйича иккинчи, стол тенниси, волейбол, белбоғли кураш бўйича учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, икки йил аввал бўлиб ўтган «Универсиада-2000» мусобақаларида охириги ўринларда қолган эдик. Натижалар ҳеч биримизни қаноатлантирмаганди. Шунинг учун ҳам бўлажак беллашуларга жиддий тайёргарлик кўряймиз.

Андижон шаҳридаги «Ямбол» спорт мажмуасида маъмури мусобақаларнинг белбоғли кураш бўйича вилоят беллашулари кунни кеча ниҳоятга етди. Андижон Давлат университети талабаларидан Носир Холиқов (52 кг), Шоях Хакимов (66 кг), Авазбек Акбаралиев (73 кг), Ғофур Хўжамонов (90 кг) ўз вази тоифаларида юлиб чиқдилар. Бу университетнинг жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаш имконини берди. Андижон тиббиёт институтининг умумжамоа ҳисобида иккинчи, қишлоқ ҳўжалик институтининг ёшлари учинчи ўринни эгалладилар.



О.ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САВОЛ БИЗДАН...

Икки қитъада жойлашган улкан денгиз нима деб аталади. Унинг худуди қанча?

Кечаги сондаги саволнинг жавоби: туарани Парагвай давлатининг валтояси.

Бу ҳақда тошкентлик Тоҳир Ғофуров ҳамда Сирдарё вилоятидан Абдуқосим Зулпановлар хабар беришди.

136-35-60

Шошилинг!!!



«Ўздэуавто»

КОМПАНИЯСИ

қойилмақом ютуқ —

БИТТА АВТОМОБИЛЬ

ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Уйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинга қўйилган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!



Уйин шартлари:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
• автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
• ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасизга кўра аниқланадилар;
• ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан рабардор бўлиб туринг; автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатида киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон сўзи» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади! Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

2002 йил 15-18 апрелда «Ўзэкспомарказ» РКСМнинг 5-павильонида

«ХХРнинг фан ва техника кунлари»

кўргазмаси ўтказилади.

Кўргазма стендларида Хитой олимлари илмий-техникавий тадқиқотлар ва биология, геология, информатика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, ядро энергетикаси, қуёш энергиясидан фойдаланиш, океанология, экология, авиация ва космонавтика соҳалари бўйича замонавий технологияларни, шунингдек, ҳисоблаш ва аудио-видео техникаларини, ҳўжалик электр асбобларини, турли транспорт воситаларини, қишлоқ ҳўжалик ва қурилиш техникаларини намойиш этадилар.

Ташкилотчилар: ХХР Фан ва техника вазирлиги, Фан ва техника алмашуви Хитой маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамкорлигида.

Кўргазмага хуш келибсиз!



МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй, «Ўзэкспомарказ» РКСМ, 5-павильон. ИШ ВАКТЛАРИ: 2002 йил 15 апрелда соат 11.00дан 18.00гача. 2002 йил 16-18 апрелда соат 10.00дан 18.00гача.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

юридик шахслар учун депозит сертификатлари эмиссиясини эълон қилади

(Ўзмарказбанк гувоҳномаси, 2001 йил 29 август, № 14-4-0044).

- Эмиссия ҳажми — 6500000000 сўм.
• Сертификат номинал қиймати — 1000 сўм.
• Депозит сертификатлари миқдори — 6500000 дона.
• Сертификатлар муомалада бўладиган муддат: 30, 91, 182, 273, 365 кун.

Сертификат эгаларига:

- қўйилган пул маблағлари бут сақланиши ва фоизлар ўз вақтида тўланиши кафолатланади;
• қўшилган фоизлар эвазига янги сертификат сотиб олиш ҳуқуқи берилади;
• сертификатларни бошқа юридик шахслар ихтиёрига ўтказиш мумкин бўлади.

Миллий банк депозит сертификатлари сизнинг пулларингизни сақлайди ва кўпайтиради!

Маълумот олиш учун NBU бўлимларига, шунингдек, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: (99871) 137-59-40, 137-62-87. www.nbu.com e-mail: cd@nbu.com



Table with 2 columns: Name and Position. Includes: Чўлибой отанинг, Машкурахоннинг, Тўхтабой Зайниддиновнинг, Машкура аянинг, Омонгул Курамбоевнинг.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худойёров, И. Шогуломов, О. Қайбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Т — 294, 38254 нусxada босилди, ҳажми — 2 тираж. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А — 2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан сақлаланди. Таҳриргезага ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ «Тижорат маълумоти»

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — М. Носиров, Мухсидхон — О. Абдуқимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди: 21.00 1 2 3 4 5 6